

Имом Мотуридий даврида фикрий ва илмий ҳаёт



12:22 / 06.07.2025 886

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи яшаган давр – аббосийлар давлати даврида мусулмон оламида турли илмлар беқиёс ривожланди. Бу вақтдаги илмий ҳаракат жаҳон тарихидаги энг катта ва аҳамиятли ҳаракат бўлганини кўпчилик яхши билади. Мусулмонлар диний илмлар билан бир қаторда ақлий, фалсафий, тажрибий ва табиий илмларни ҳам ривожлантирдилар. Ўша даврда девон юритиш ва китоб ёзиш ишлари кенг миқёсда йўлга қўйилди. Илмий масалалар тартибга солинди, ҳар бир илм бошқасидан ажралиб чиқиб, ўзининг мавзуси ва услуби ила мустақил илмга айланди. Кўпгина янги илмлар, жумладан, тафсир, ҳадис, усулул фикҳ илмлари пайдо бўлди. Мусулмонлар фалсафа, мантиқ, ҳисоб, табиат, кимёга ўхшаш илмларни юнон, ҳинд ва бошқа тиллардан араб тилига таржима қилишди.

Аббосийлар даврида – имом Абу Мансур Мотуридий даврида юз берган мазкур илмий ҳаракат Ислом тамаддунининг олтин даври бўлгани ҳаммага маълум. Ўша даврда, яъни ҳижрий учинчи ва тўрттинчи асрларда кўпгина илмларнинг ёзма равишда шаклланиши юз берди.

«Ҳидоят имоми» китобиасосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 11 декабрдаги 03-07/9264-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.

